Грузиядаги НИИПП да турли хил меваларни куришиш учун конвектив куригичларни саноатлашган намуналаридан фойдаланишга харакат килиб курдилар. Тажрибалар ПКС-10 туридаги куригичларда олиб борилди. Курсатгичлар бу куригичларда уй шароитидаги табий куришишга нисбатан аскорбин кислотаси кам микдорда йукотилади. Бунда куришилаётган модданинг харорати 72-80°C булади. Тажриба хулосаларига кура меваларнинг охириги намлиги сезиларли даражада юкори булиб колаверади.Шунинг учун икки баравар куп куришиш таклиф килинди, яъни куришилган меваларни кайтадан куригичга жойланиб, 54-72°C хаво хароратида куришилди. Икки марта куришиш уз-узидан сермехнат жараённи ва уни куллашга кетадиган харажатни ошириб юборади. Хароратнинг ошиши маахсулот сифатининг пасайишига олиб келади.

2.7. Қуритиш қурилмаларининг техник характеристикалари.

СКР русумидаги қуритиш қурилмасининг техник характеристикалари.

1. Хом ашё миқдори бўйича маҳсулдорлиги, кг/цикл – 225-300
2. Буғлатилган намлик миқдори, кг/соат – 10-13
3. Қуввати, кВт – 21,8
4. Манба кучланиши, В – 3х380
5. Аравачалар сони, дона – 1та
6. Патнислар сони, дона – 30
7. Аравачалар ўлчами, мм – 1000х1060х1200
8. Патнислар ўлчами, мм – 1000х500х30
9. Ҳарорат диапазони, С – 20-95
10. Рециркуляция даражаси, % – 5-95
11. Габарит ўлчамлари, мм – 2100х1240х2350
12. Массаси, кг – 450

СКР русумидаги қуритиш қурилмасининг асосий афзалликлари

- Сифатли ва текис қуритиш имконин берувчи самарали электрокалорифер ва кучли аэродинамик система;
- Қуритиш агенти намлигини бошқариш имконияти;
- Қуритиш режимини автоматик сақлаш имкониятини берувчи электрон терморегулятор ва таймер;
- Корпуснинг самарали термоизоляцияси;
- Маҳсулотни тез юклаш–бўштиш имконини берувчи патнисли аравачалар;
- Буюртмачининг хоҳишига қараб оптимал конфигурацияни танлаш имконини берувчи модуллардан ташкил топганлиги;

- Стандарт (800x2000 мм) эшикларга эга бўлган хоналарда монтаж қилиш имконини берувчи корпуснинг йиғма конструкцияси.

Жадвал 1. СКР – 300 русумидаги қуритгичнинг техник характеристикалари.

Кўрсаткичлар	Маҳсулот номи		
	Катошка, пиёз, савзи, саримсоқпиёз	Ўрик, олхўри, узум	Олча, гилос, олма
Қуритилган маҳсулот миқдори бўйича маҳсулдорлиги, кг/цикл	15...20	25...30	15...20
Хом – ашё миқдори бўйича маҳсулдорлиги, кг/цикл	90...120	200...300	90...180
Охирги намлиги, %	12...14	20...25	14...25
1 кг қуритилган маҳсулотнинг энергия сарфи	5...8	7...8	4...4,5

Соатига 20 кг тайёр маҳсулот чиқарувчи узумни қайта ишлаш линиясининг таркиби:

1. СКР – 300 қуритиш қурилмаси, арава ва патнислари билан – 4 дона;
2. Техник столи – 3 дона;
3. Хажми 200 литр бўлган хом ашёни ювиш учун идиш – 1 дона;
4. Чиқиндилар учун бункер – 3 дона;
5. 200 литр ҳажмидаги полуваффрикатларни ювиш учун идиш – 1 дона;
6. Маҳсулдорлиги 25 кг/цикл бўлган бланширователь – 1 дона;
7. Қадоқлаш ускунмаси (европакет, англи чокли. муддати) – 1 дона;
8. Тарози (1+0,002 кг аниқликдаги) – 1 дона.

Соатига 20 кг тайёр маҳсулот чиқарувчи қовунни қайта ишлаш линиясининг таркиби:

1. СКР – 300 қуритиш қурилмаси, арава ва патнислари билан – 4 дона;
2. Техник столи – 3 дона;
3. Хажми 200 литр бўлган хом ашёни ювиш учун идиш – 1 дона;
4. Чиқиндилар учун бункер – 3 дона;
5. 200 литр хажмидаги полуфабрикатларни ювиш учун идиш – 1 дона;
6. Дудлаш камераси (ҳажми 300кг) – 1 дона;
7. Қадоқлаш ускунаси “Омега -стрейч” (настольний европатнис) – 1 дона;
8. Тарози (1+0,002 кг аниқлткдаги) – 1 дона.

Қуритгичнинг техник характеристикалари суткасига 1 тонна хом – ашёни қайта ишлаш линияларини йиғиш имконини беради. Бу ҳолда линия қуйидагилардан ташкил топган бўлади:

Қуритиш ускунаси – 2 дона (СКР – 300) ёки 1 дона (СТП – 50);

Ёрдамчи ускуналар:

- Картошка, лавлаги, сабзи учун ювиш ваннаси, тозалаш ва майдалаш қурилмалари (ёки қўлда ишлов бериш мумкин), сульфикация учун ванна, бланширователь;
- Пиёз ва саримсоқпиёз учун ювиш ваннаси, тозалаш ва майдалаш қурилмалари (ёки қўлда ишлов бериш мумкин), сульфикация учун ванна.

Комплектнинг бошқа вариантларини йиғиш имкони бор.

СКР ускунасидаги қуритиш қурилмаси ўзи алоҳида ёки маълум маҳсулотни қуритиш технологик линия таркибида ишлаши мумкин.

Қуритишнинг инфрақизил технологияси.

Қуритишнинг инфрақизил технологияси – қуритишнинг нисбатан янги усули бўлиб, сувнинг инфрақизил нурланишини ютиш хусусиятига

асосланган. Бу технология ускуналарининг икки русумида амалга оширилади:

- Стеллажли қуритиш шкафининг ускуналари;
- Узлуксиз конвейерли қуритиш ускунаси.

Қуритиш ускунаси универсал бўлиб, ҳар қандай ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини қайта ишлаш ва тез тикланувчан қуруқ маҳсулотлар олиш имконини беради.


Усқунанинг асосий афзалликлари:

- 1 кг намликни буғлантириш учун сарфланган солиштирма энергиянинг энг кам миқдори – 1кВт·соат/кг (ҳар қандай қуритгичларга нисбатан 2 марта кам);
- Қуритиш температурасининг пастлиги – 50 – 60⁰С;
- Қуритиш тезлигининг юқорилиги – 30 – 200 мин;
- Соддалиги ва мустаҳкамлиги, нархи пастлиги, қилинган харажатларни тез қоплаши.

Ускуна Голландия, Индия каби дунёнинг 9 та мамлакатларида муффовақиятли ишлатилмоқда, ускуна ва унда ишлаб чиқарилган қуруқ маҳсулотлар кўргазмаларнинг диплом ва медаллари билан тақдирланган.

Инфрақизил нурлар ёрдамида ишлайдиган қурилмаларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун ва қуритилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш учун ҳозирги кунда цилиндрик вакуум камерали қуритиш шкафлари мавжуд ().

Қуйидаги расмда (расм.) ТашГТУ олимлари томонидан яратилган шундай қурилма схемаси берилган.



Расм. 16 . Цилиндрик вакуум - камерали қуритиш шкафи

1 - эшик, 2 - камера корпуси, 3 - қуритиш шкафи, 4 - керамик ИК - нурлатгичлар. 5 – ички қовурғалар, 6 – ташқи қовурғалар, 7 – нур кайтаргичлар, 8 – буғ чиқиш трубаси, 9 – камерга ҳаво киритувчи вентиль, 10 - обратный клапан, 11 - КИП ва А, 12 - манометр, 13 - қуритиш шкафи рельслари, 14 – эшикни зичловчи запорлр.

2.8. Озиқ – овқат маҳсулотлари учун универсал, узлуксиз ковейерли қуритиш қурилмаси

Тақдим қилинаётган қурилма савзавотлар, гиёҳлар, сув ўтлари, илдизмевалар, мевалар ва бошқа маҳсулотларни берилган параметрлар асосида автоматик қуритиш учун мўлжалланган(Расм.).

Маҳсулотни қуритиш жараёни – бутун қуритиш юзасида жойлашган инфрақизил нурлатгич (ишлаш муддати узайтирилган) билан иссиқ ҳаво конвекциясининг биргаликдаги таъсирига асосланган. Маҳсулотларни пуфлаш системаси зоналарга ажратиб конструкциялаштирилган, яъни ҳар бир лента алоҳида климатик зона бўлиб, унинг температураси намиги ва

оқим тезлигини бошқариш мумкин. Буюртмачининг хоҳишга кўра қуртиш элементларини бошқа турдаги энергия ташувчилар (табiiй газ, мазут, дизель ёқилғиси ва бошқалар) га алмаштириш мумкин. Баъзи бир ҳолларда буюртмачининг олдига қўйилган масалаларга мос равишда конструкцияга керакли ўзгартиришлар киритилади (ленталарни тозалаш системаси, шарбат олувчилар ва бошқалар).

Қуришиш қурилмасининг тузилиши:

- Хом – ашёнинг турига боғлиқ ҳолда пневмоукладчик (ишчи юзаси нержавейкадан қилинган) ёки транспортер;
- Бошқариш пульти (конвейерни, температурани, намликни ва бошқаларни бошқариш).
- Қуришиш камераси (частотасини созлаш мумкин бўлган вентиляторли 3 та қуришиш соҳалари);
- Вибротранспортёр;
- Маҳсулотни келтириб берувчи пневмотранспортер;
- Йиғувчи бункер (маҳсулотнинг намлигини керакли кўрсаткичларгача созлаш учун);
- Нарвон;
- Тайёр маҳсулотни юклаш учун транспортер.

2-жадвал.Қурилманинги техник характеристикаси.

Буғлатилган намлик самарадорлиги бўйича, кг/соат	Қуввати, кВт	Солиштирма қуввати, 1 кг буғлатилган намликка кВт ҳисобида	Лентанинги ишчи юзаси м ²	Ленталар сони, дона	Қуришиш комплексининг ўлчамлари, мм
300	397	1– 1,2*	48	3	Узунлиги – 8100 Эни – 2270 Баландлиги – 2400
500	653	1 – 1,2*	80	5	Узунлиги – 8100 Эни –2270 Баландлиги -3250

2.9. Мева ва савзавотларни қуритиш учун шкаф типдаги универсал инфрақизил қуритиш қурилмаси характеристикаси

Турли мева, савзавот, гиёҳлар, гўшт ва балиқ маҳсулотлар учун шкафли қуритиш қурилмаси берилган параметрлар бўйича ярим автоматик режимда ишлайди. Қуритиш жараёни конвекция ва инфрақизил нурланишларни биргаликда ишлашига асосланган. Инфрақизил нурлар манбаи бутун қуритиш юзасибўйлаб жойлаштирилган.

Қурилма иккита ҳаво билан пуфланадиган зонадан иборат бўлиб, уларда маҳсулот юкланган патнислар жойлаштирилади.

Реверсив циркуляцияли марказдан қочирма вентиляторлар воситасида ҳаво пуфланади. Вентилятор частота созлагичи билан жиҳозланган бўлиб, бу эса маҳсулотнинг тури ва намлигига қараб ҳавонинг тезлигини назорат қилиш имконини беради.

Шунингдек, қурилмада маҳсулот намлиги ва температурасини ҳам назорат қилиш мумкин.

Патнислар ва қурилманинг ички томони зангламайдиган пўлатдан қилинган. Иссиқлик йўқотишни камайтириш ва электр энергияни тежаш мақсадида қурилманинг корпуси сендвич панеллардан қилинган. Буюртмачининг хошишига кўра конструкцияга баъзи ўзгартиришлар киритиш мумкин.

Техник характеристикалари.

- | | |
|---|---------|
| • Буғлатилган намлик самарадорлиги, л/соат | 70 гача |
| • Патнислар ўлчами, мм | 600x600 |
| • Патнислар сони, дона | 24 |
| • Инфрақизил нурлатгичлар сони, дона | 234 |
| • Қуритиш вақти (маҳсулот турига қараб), соат | 1– 3* |
| • Қуввати, кВт | 71 |

- Узунлиги, мм 1560
- Эни, мм 740
- Баландлиги, мм 2000

БИД корхонаси инфрақизил ва конвектив қуритиш ускуналарини тавсия қилади. Инфрақизил нурланиш ва конвекцияга асосланган қуритиш ускуналари ҳозирги кунда қуритиш техникасининг энг перспектив йўналишларидан бири ҳисобланади. Қуритиш электр ва газ ҳисобига амалга оширилади. Мева – савзавотлар, балиқ, гўшт маҳсулотлари, дори хом - ашёлари, дон ва бошқа маҳсулотларни қуритишга мўлжалланган.

Озиқ – овқат саноатида маҳсулотларни қуритиш технологик процесс бўлиб, бундай жараёнлар давомида маҳсулотнинг бирламчи хусусиятлари сақланиши, баъзи ҳолларда эса кўпайиши талаб қилинади. Бу талабларни бажариш қуритиш ускуналарига юкланади.

3. Махсулотларни куритиш жараёнини назарий тахлили.

3.1. Куритиш жараёни статикаси

Хар бир каттик. нам материал атроф мухитдан намликни ютиш ёки уни атроф мухитга бериш қобилиятига эга. Нам материални ураб турган мухит таркиби фақат сув буғи ёки сув буғ - газ аралашмасидан иборат бўлиши мумкин. **Хаво** билан аралашма ҳосил қилган сув бугининг парциал босимини **p_0** деб белгилаймиз. Материал таркибидаги намликка тегишли сув бугининг босими деб номланади.

Материал билан нам *ҳаво* узаро таъсири пайтида система 3 ҳолатда бўлиши мумкин:

1. Куритилаётган нам материалдаги сув бугининг босими **p_0** , материални ураб турган хаво ёки газдаги парциал босимдан катта, яъни **$p_0 > p_0$** . Бундай ҳолда материалдан намлик атроф мухитга десорбция қилади, яъни куритиш жараёни содир бўлади. Куритилаётган материалдаги сув бугининг босими **p_0** материал намлиги, температура ва намликнинг материалига боғлиқлиги усулига боғлиқ;

2. Атроф мухитдаги бугининг парциал босими, унинг **нам** материалдаги босимидан катта, яъни **$p_0 > p_0$** . Бу ҳолда, материал ва намлик орасида сорбция жараёни юз беради, яъни материал намланиши руй беради;

3. Нам материал ва атроф мухитдаги сув бугларининг босими бири-бирига тенг, яъни **$p_0 = p_0$** . Бундай ҳолда система динамик мувозанатда бўлади. Динамик мувозанат бошланишига **туғри** келадиган материал намлиги мувозанат намлиги **W_m** деб номланади. Мувозанат намлик сув бугининг парциал босими **p_0** ёки унга пропорционал бўлган хавонинг нисбий намлиги **φ** га боғлиқдир.

Мувозанат намлигининг **$t = const$** да **φ** га боғлиқлиги **сорбция изотермаси** деб аталади ва қўшунча тажрибавий иул билан топилади.

Куритиш жараёнида материал сиртидагн бут босими камайиб боради ва мувозанат намлигига интилади. Нашаш жараёнида **эса** аксинча булади. яъни материал сиртидаги буғ босими ортиб бориб, мувозанат намлигига интилади.

Материал намлиги эркин ва боғланган холда **булиши** мумкин.

Эркин намлик **деб** материалдан букланаётган намликнинг бугланиш **тезлиги** сувнинг эркин юзадан ($p_0 = p_m$) бугланиш тезлигига тенг булган намлик тутиунилади. Маълумки, материалдаги боьанган намликнинг бугланиш тезлиги эркин юзадан сувнинг бугланиши тезлигидан хар доим **кичик** булади. Бунда, $p_0 < p_m$, бу ерда p_m - **сув** буғининг туйиниш босими.

Материал таркибидаги намликни характерлаш учун материал намлиги W (%) ва нам саклаш x (кг намлик/кг курук. хаво) деган тушунчалар кулланилади.

Материал намлиги материалнинг умумий микдори ёки унинг таркибидаги абсолют курук. модда микдорига нисбатан ҳисобланиши мумкин.

3.2. Материал билан намликнинг боғланиш усуллари

Материал билан намликнинг боғланиши классификация акад. Ребиндер П.А. томонидан ишлаб чиқилган булиб, унга боғланиш энергияси асос килиб олинган. Ушбу боғланиш куйидаги шаклларда булиши мумкин:

- намликнинг кимёвий боғланиши, кимёвий реакция натижасида ҳрсил булади;
- намликнинг физик-кимёвий боғланиши, ярим утказувчан крбикча оркали газ молекулаларининг адсорбцияси натижасида ҳрсил булади;
- намликни физик-механик боғланиши, микрокапилляр ($r < 10^{-7}$), макрокапиллярлар ($r > 10^{-7}$) томонидан бугларни ютишда, хамда гель ҳосил булади;


Сиртий намлик энг осон, кимёвий боғланган намлик эса, қийин йукотилади.

Кимёвий боғланган намлик гидрооксид суви курунишида булиб, гидратация реакцияси натижасида гидрооксид ва кристаллогидрат типигаги бирикмалар таркибига кириб олади. Ушбу намликни киздириш йули билан йукотиш мумкин.


Физик-кимёвий боғланиш шакллари турли-туман булади:

Адсорбцион боғланган намлик. Ушбу намлик атроф мухит ва коллоид заррачани ажратиб турувчи чегара юзасида ушланиб туради. Коллоид заррача-лар катта юза ва юкрри адсорбцион қобилият тузилишга эга. Адсорбцион намлик молекуляр кучли майдон ёрдамида тортилиб туради. Адсорбцион намлик йукотилиши даврида иссиқдик ажраб чиқади ва у гидратация иссиқдиги деб номланади.

Осмотик боғланган намлик ёки буртиш намлиги материал скелети ичида булади ва осмотик кучлар ёрдамида ушланиб турилади.



Расм.17. Крахмал намлигининг сорбция — десорбция изотермалари.



Расм. 18 Қотирилган нон намлигининг сорбция - десорбция изотермалари.

Капилляр - боғланган намлик микро- ва макрокапиллярлар ичида булади. Ушбу намлик материал билан механик боғланишда булади ва нисбатан осон бартараф этиладн.

Намликнинг материал билан боғланиши канчалик мустахкам булса, материал юзасидаги бук босими шунчалик кам булади. Энг мустахкам боғланиш гигроскопик моддаларда булади.

Материал билан намлик боғланиш турларини характерлаш учун сорбция - десорбция изотер-малари кулланилади. -расмда сорбция ва десорбция изотермалари келтирилган.

Десорбция эгри чизиги (десорбция изотермаси) нам крахмалдан намлик йукртилиши даври учун курилган, яъни уни куритиш жараёнида.

Сорбция эгри чизиги крахмални намлаш даври учун курилган ва сорбция изотермаси деб номланади. Сорбция ва десорбция эгри чизикдари узига хос шаклдаги гистерезис **халқаси** деб аталади.

Гистерезис халқасидан куйидаги хулосага келиш мумкин: бир хил кийматга эга булган мувозанат намликка эришиш учун хавонинг нисбий намлиги, куритиш жараёнида материални намлаш жараёнига нисбатан катта булиши зарур.

Буни, куритилаётган материал капиллярларида хаво борлиги, яъни хавонинг капилляр дсворларида сорбцияланиши билан тушунтириш мумкин.

Озик.-овкат махсулотларининг сорбция –десорбция характеристикаларини, яъни хаво намлиги ва унинг температурасини аниқдаш имконини беради.

Сорбция изотермалари тахлили ёрдамида материал билан намликнинг боғланиш усулини билиш мумкин. расмда қотирилган нон сорбция изотермалари келтиридган. Махсулотнинг бошланғич намлиги W_g , охиргиси эса $-W_m = W_M$ (бу сзда W_M - мувозанат намлиги). Материал намлигининг W_g дан W_m гача узгариш оралиги **куритиш сохаси** дейилади. Бу сохада материалдан чикадиган намлик йукотилади. Гигроскопик намлик W_z дан W_m гача булган оралик, десорбция сохаси деб аталади. Мувозанат намлик эфи чизигининг юкррисида сорбция, яъни материал намланиш, сохаси булади. Материалнинг нам хрлати (материал таркибида эркин боғлашан намлик) ва

гигроскопик хрлатларини (материалда факат боғланган намлик) гигроскопик намлик ажратиб туради.

Нисбий намлик $\varphi = 0,4$ булганда, изотерма **абсцисса** ўқига нисбатан бўртик, куринишга эга. Ушбу ҳолат мономолекуляр адсорбцияга ҳосдир. Материал билан намлик боғланишини енгиш учун мономолекуляр адсорбцияда жуда катта микдорда иссиқдик сарфланиши зарур. Нисбий намлик $\varphi = 0,1..0,9$ оралигида изотерманинг **AB** булаги ордината уқига нисбатан бўртик, куринишга эга. Ушбу ҳолат полимолекуляр адсорбцияга ҳосдир. Бу намликни йукотиш учун мономолекуляр адсорбцияда намликни йукотишга сарфланадиган иссиқдик микдори нисбатан кам булади.

Изотерманинг **BC** ($\varphi = 0,9... 1,0$) булаги микрокапилляр ($r < 10^{-8}$ см) лар-даги намликни ифодалайди.

Механик боғланган эркин намлик материалдан механик усулда ажратиб олиниши мумкин.

Материални сув билан боғланиши натижасида унинг устидаги сув бугларининг босими пасаяди. Шунинг учун, эркин энергия ҳам камаяди.

Узгармас температурада эркин энергия ёки боғланиш энергиясининг камайиши иш билан ифодаланади. Бу иш 1 моль сувни материалдан ажратиш учун сарфланади ва уни акад. Ребиндер П.А. томонидан келтириб чиқарилган формула ёрдамида топиш мумкин:

$$E = RT \ln P_T / P_M = - RT \ln \varphi \quad (5.205)$$

бу ерда p_m - туйинган сув бути босими; p_m - намлиги x булган материал устидаги сув буғининг мувозанат парциал босими; φ - ҳавонинг нисбий намлиги.

Материал билан намлик боғланиши канчалик мустаҳкам булса, шунчалик p_m катталиги кичик булади. Эркин сувни ажратиш даврида, $p_m = p_m$ булгани учун (5.205) формула куйидаги куринишни олади:

$$E = RT \ln l = 0$$


Материални қуритиш жараёнида боғланиш энергияси аста-секин қупайиб боради, чунки материал намлиги камайиши билан адсорбцион боғланган намлик улуши ортади.

5.96-расмда айрим озик. - овқат маҳсулотлар мувозанат намликларининг эгри чизиклари, ҳамда турли температураларда боғланиш энергия функциялари келтирилган.

Ушбу графикдан фойдаланиб, боғланиш энергияси ва боғланган намликни йукотиш учун зарур иш микдорини аниқдаш мумкин. Қуритиш жараёнидаги умумий иссиқдик сарфи:

$$Q = Q_{\text{бу}} + Q_{\text{бн}}$$

бу ерда $Q_{\text{бу}}$ - эркин намликни буғланиши учун сарфланадиган иссиқдик; $Q_{\text{бн}}$ -буғлашан намликни йукотиш учун сарфланадиган иссиқдик.



Расм.19. Турли маҳсулотларда намликни боғланиш энергиясини аниқдаш чизмаси.

1 - писта ($t=20^\circ\text{C}$); 2 - бурдой ($t=50^\circ\text{C}$); 3 - маккажухори ($t=20^\circ\text{C}$); 4 - жавдари бугдой ($t=0^\circ\text{C}$); 5 - тозаланган гуруч ($t=20^\circ\text{C}$); 6 - ун ($t=24^\circ\text{C}$); 7 - маккажухори крахмали ($t=20^\circ\text{C}$); 8 - макарон ($t=30^\circ\text{C}$).

3.3. Куритиш жараёни кинетикаси

Юқорида кайд этилгандек, куритиш жараёни мураккаб иссиқлик ва масса алмашилиш жараендир. Материалдаги намлик унинг ичидап фазаларии ажратиб турувчи юзага масса утказувчанлик, ажратиб турувчи юзадан газ окими ядросига эса - конвектив, $n, \%$ диффузия хисобига утказилади.

Материал таркибидаги намликнинг диффузияси на факат нам саклаш фадииенти, балки температура фадииенти хам таъсири остида руй беради,

Материалдаги диффузияни аналитик усулда ифодалаш жуда кийин ма-сала. Маълумки, куритиш жараёни тезлиги материал билан намликнинг боғланиш шакли ва унда намликнинг диффузия кинетикаси


механизмига ботик, куритиш жараёни кинетикаси материалнинг нам саклаши ёки уртача намлигининг маълум вақтдан кейин узгариши билан характерланади.

Одатда, куритиш тезлигини тажрибавий усулда топиш учун куритиш эгри чизиги кўрилади, сунг у дифференциалланиб куритиш тезлигининг эгри чизига хосил килинади.

-расмда материал намлиги W ва куриш вақти τ орасидаги боғлиқдик тасвирланган.

Ундан ташкари, расмда материал температурасининг намликка боғлиқдиги хам кел-тирилган.

Типик куритиш эгри чизиги куритиш жараёнининг турли даврларини ифодаловчи бир неча қисмдан иборат.



Расм. 20. Куритиш жараёни

Жараён бошланишида нам материал кизийди ва ундан намлик бугланиб чиқа бошлайди. Материалнинг қуритиш температурасигача кизиши AB кесма билан ифодаланади. Ундан сунг, узгармас қуригиш тезлиги даври (BC кесма), яъни I давр, бошланади. Бу давр қиялик бурчаги α нинг узгармас тангенсли туғри чизиги (BC кесма) билан ифодаланади ва C нуктала яқунланади. Ушбу даврда материалнинг температураси термометрнинг ҳул температураси (температура эгри чизиждаги $B_1 C_1$ кесма) қийматига тенг булади. Узгармас қуригиш тезлиги даврида узатилаётган иссиқдик, материалдаги эркин намликни бугланишига сарфланади. Ушбу, узгармас қуригиш тезликли давр туғри чизик билан ифодаланади ва у биринчи критик тезлик W_{KP} га етганда тамом булади.


W_{KP} дан бошлаб эса қамаювчи тезлик даври бошланади, яъни материал намлиги аста - секин қаяди ва у CE кесма билан ифодаланади. Бу даврда материалдаги температураси $C_1 E_1$ эгри чизик буйлаб қутарилади. Қуригиш жараёни охирида материал намлиги асимптотик равишда мувозанат намлиги W_M га яқинлашиб боради. Материал W_M намликка эришиши билан ундан намлик чиқиши тухтайди. Ушбу дақиқада материал температураси уни ураб турган иссиқдик элткич температурасига (E_1 нукта) тенг булади. Лекин, мувозанат намлигига эришиш учун анча вақт зарурдир.

Қуригиш тезлиги вақт бирлигида намлик узғаришини ифодалайди. яъни $dW/d\tau$ (%/соат) ёки dx/dr (c^{-1}).


Қуригиш тезлиги буйича маълумотлар асосида қуригиш тезлигининг эгри чизиклари қурилади (21-расм).

BC горизонтал кесма қуригиш жараёнининг биринчи, CE эса - иккинчи даврдаги тезлигини кўрсатади.

Жараённинг биринчи даврида эркин боғланган намлик йукртилади ва унинг тезлиги ташқи диффузия зо-насидаги



Расм.21. Қуригиш тезлигининг эгри чизиги.



Раем.22. Капилляр - говакли

алмашиниш каршилиги, яъни

конвектив масса бериш коэффициента билан аниқланади. Биринчи критик тезликка оид C нуктада материал ташқил юза-сидаги намлик гигроскопик намликка тенг булиб қрлади.

W_{gp} дан бошлаб материалдан боғланган намлик хайдалиб бошланади ва жараён тезлиги анча сусаяди. Шунини алохда таъкидлаш керакки, қуритиш тезлиги эгри чизикдарининг қуритиши 22-расмда келтирилгандан анча фарқ қилиши мумкин. Намликнинг материал билан боғланиш шакллариға қараб, иккинчи даврнинг узи бир неча даврдан иборат булиши мумкин.

Расмдаги эффи чизик. 1 типик капилляр - говакли жисмлар учун хосдир. Чизикнинг тепа қисми капилляр, пастки қисми эса - $W_{кр}$ га тенг адсорбцион намликни йукртиш тезлигини ифодақайди. Эгри чизик, 2 газлама ва юпка ли-стли материаллар, 3 эса - керамик материатиарни қуритиш жараёнини харак-герқайди.

Қуритиш тезлиги жараённинг муҳим технологик нарамефи булмиш - қуритиш интенсивлигини аниқдаш имқонини беради.

Материал намлишининг бугла-ниш интенсивлиги, қуритилаётган материал юзаси бирлигидан вақт бирлигида чикариб юборилаётган намлик миқдори билан белгилана-ди. яъни:

$$m = W / F \tau$$

бу ерда τ - қуритиш жараёнининг умумий давомийлиги.

Каттик. нам материалда намликнинг диффузияси 22-расмда келтирилган. Каттик. материал ичи-дан ташқиг юзасига намликнинг таркалиши масса утказувчанлик усулида боради. Фазатарни ажратиб турувчи юзадан газ оқими ядросига намликнинг тарққлиши эса, конвектив диффузия усулида утади.

Маълумки, капилляр - говакли материалларда модданинг таркалиши концентрация ва температура фадентилари остида булиши мумкин. Температура фаденти таъсирида каттик материалда руй берадиган намликнинг таркалиши термодиффузия хисобига булади. Агар, материални куришиш к.аттик. режимларда олиб борилса, яъни температуралар фаденти салмокли бул ганда, термодиффузия хрдисаси намоён булади.

$p = const$ булганла, массавий оқимни ушбу тенглама билан ифодалаш мумкин'.

$$i = \frac{dW}{Fd\tau} = \pm k\rho_{окв} \left(\frac{\partial x}{\partial l} + \delta \frac{\partial t}{\partial l} \right) \quad (5.206)$$

бу ерда k - масса утказувчанлик коэффициент, м²/соат; - абсолют курук материал зичлиги. кг/м³; x - материалнинг вам саклаши, кг/кгкурук, материалга; l - изоконцентрацион юза нормали; δ - **термонашик** утказувчанлик коэффициент, К⁻¹; t - температура, К.

(5.206) тенгламанинг биринчи кушилувчиси концентрация фаденти таъсирида, иккинчиси эса - температура фаденти таъсирида модда узатилишини характерлайди.

Тенгламадаги кинетик k ва S коэффициентлар температура ва жисм намлиги функциясидир. Шунинг учун, нам материалда намликнинг таркалишини унда исикдик алмашиниш билан биргаликда караш керак. Исикдик алмашиниш Фурьенинг исикдик утказувчанлик крнуни билан ифодаланади.

$$\frac{dQ}{F d\tau} = -\lambda \frac{\partial t}{\partial n}$$

Юкорида келтирилган масса ва иссиқдик утказувчанлик тенгламалар асосида А.В. Ликов томонидан капилляр - говакли жисмда иссиқлик ва масса алмашишнинг дифференциал тенгламалар системаси келтириб

$$\frac{\partial x}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial l} \left(k \frac{\partial x}{\partial l} + k\delta \frac{\partial t}{\partial l} \right) \quad c\rho_{жж} \frac{\partial t}{\partial \tau} = \frac{\partial}{\partial l} \left(\lambda \frac{\partial t}{\partial l} \right) + \sigma \frac{\partial x}{\partial \tau}$$

чикдрилган:

бу ерда s — dx_{ϕ}/dx - фазавий узгариш критерийси; γ - бугланиш иссиқлиги, кЖ/кг.

Ушбу тенгламадаги L , c , s ва γ коэффициентлар узгарувчи катталиқлар булиб, жисмнинг намлиги ва температурасига богдик,

(5.207) даги биринчи тенглама каттик, жисмда намлик ва температура фадиснтлари таъсирида нам саклашнинг узгариш тезлигини ифодалайди. Иккинчи тенглама эса, иссиқлик утказувчанлик ва ички бугланиш хисобига температура майдони узгариш тезлигини характерлайди.

Конвектив куриштида моддалар диффузияси йуналишига карши йуналган термодиффузия окими масса утказувчанлик тезлигини пасайтиради.

Материалдаги нотургун концентрация ва температура майдонларини топиш учун дифференциал тенгламалар системасини ечиш керак. Куриштиш жараёнини бундай хисоблаш усули, керакли намликка эриштиш вақтини ва куриткич улчамларини аниқлаш, назарий жиҳддан уринлидир.

Лекин, дифференциал тенгламалар системасини ечиш учун масса ва иссиқлик утказиш коэффициентларини материал намлиги ва температурзга богдиклигини билиш зарур. Юкорида қйд этилган хамма коэффициентлар, c ва γ дан ташқари, x ва t га богдиклиги жуда мураккабдир.

Проф. А.Н. илановский томонидан куритиш жараенини фацат масса утказувчанлик коэффициснти κ оркали хисоблаш мумкинлиги исботланган. Унга биноан, (5.207) нинг биринчи тенгламаси ушбу куринишни олади:

$$\frac{dX}{dt} = D \nabla^2 \tau \quad \text{TM om } 81 \setminus 81J$$

бу ерда κ^* - х,ам термодиффузия, хам масса утказувчанликни характерловчи коэффицент булиб. факат материал намлигига бортик,.

Агар, намликнинг маълум оралигида $\kappa = \text{const}$ ва $D = \text{const}$ деб қабул килсак, (5.208) чизикли тенглама куринишига келади:

$$\frac{\partial x}{\partial \tau} = k \frac{\partial^2 x}{\partial l^2}$$

Куритиш жараёнининг бошлангич шартларига, каттик материалда намликнинг бир текисда таркалиши, яъни $\Gamma = 0$ булганда $x = x_g = \text{const}$ тугри келади.

(5.208) ва (5.209) тенгламатар тахлилидан куйидаги куринишдаги критериял формула келтириб чиқарилади:


$$E = f(Bi_{\tau}, Fo_{\tau})$$

бу ерда E - материалдаги намликнинг улчамсиз концентрацияси, яъни:

$$E = \frac{x - x_m}{x_0 - x_m}$$

бу ерда x_m - материалдаги намликнинг мувозанат концентрацияси; $Bi_{\tau} = (L/kp) \cdot \rho c_p / J$ - Био диффузион критерийси; $Fo_{\tau} = kr/f$ - Фурье диффузион критерийси.

Нотугри геометрик шаклдаги жисмлар учун тенглама Γ_1 , Γ_2 , Γ_{II} параметрик критерийлар билан тулдирилиши мумкин.



Раем.23. Иссикдик
утказувчанлик

Агар материалнинг исикдик - физик
хоссалари ва жараён даво-мида
температуранинг узгариши маълум булса,
курутиш кинетика-си проф.
А.Н.Плановский ва проф. С.П.Рудобашта
томонидан таклиф этилган исикдик
утказувчанлик тенгламалари асосида
хисоблаш усулидан фойдатаниш мумкин.

Лекин, Фурье тенгламаси ва масса

утказувчанлик тенгламалари орасидаги

ухшашлик расмий характерга эга. $Fo = const$ чизикдарининг турли характери
температура утказувчанлик коэффициента a нинг t дан ва масса
утказувчанлик коэффициенти κ^* нинг x дан боғлиқликлари орасида
принципиал фарк борлигини курсатади (23-расм)

$Fo = const$ эгри чизиклар $\kappa = f(x)$ функцияни характерлайди. Туи-ри
геометрик шакли жисм ва чексиз оқим учун тенглама-нинг умумий ечими
ушбу куруниища булади:

$$E = \frac{x - x_m}{x_0 - x_m} = \sum_1^{\infty} A_n \exp(-\mu_n^2 Fo)$$

бу ерда $A = f(Bi, \mu)$ - жисм шакли, чегаравий ва бошлангич шартларига
боғайк, булган жисм функцияси: J_n , - характеристик тенгламалар иддизлари.

Капилляр-говакли жисмда масса утказувчанлик буйича маълумотлар
булса, (5.211) тенгламадан i - интервалда курутиш вақтини аниқдаш мумкин
(бу ерда $k_j = const$):

$$\tau_i = \sum_1^n \frac{\ln \prod_1^i \beta_{j,i}}{k_j \sum_1^n \mu_{j,i}^2 R_j^2} \quad (5212)$$

бу ерда f_{ij} ва - у - йуналишда жисм юзаси шаклига ва намлик узгаришининг i - оралигидаги Bi_m пинг катталиги.

Амалиётда куритиш вақтини аниқдаш учун кинетика ва куритиш тезлиги эффициентларидан ёки кинетик тенгламалардан фойдаланилади.

Кинетик тенгламалар ёрдамида куриткичнинг асосий улчамлари $x > 1$ Собланади. Даврий курил матарда - куритиш жараёни давомийлиги, узлуксиз ишлайдиган куриткичларда - материални куритиш вақти и ёки фаза!ар узаро таъсир учун зарур юза аниқланади.

Умумий ҳолатда даврий жараёнлар учун умумий куритиш вақти куйидаги тенгламадан ҳисобланади:

$$\tau_{iu} = \tau_1 + \tau_2 \quad (5.213)$$

бу ерда T_1 - биринчи даврда куритиш давомийлиги. соат; T_2 - иккинчи даврда куритиш давомийлиги. соат.

T_j нинг кэчймати масса утказишнинг асосий тенгламасидан аниқланади:

$$\tau_1 = \frac{W}{\beta_x \cdot F \cdot \Delta x_{sp}} \quad \text{ёки} \quad \tau_1 = \frac{W}{\beta_v \cdot F \cdot \Delta P_{sp}} \quad (5.214)$$

бу ерда X_{sp} - жараённинг уртача .\аракатга келтирувчи кучи.

$$\Delta x_{sp} = \frac{\Delta x_{\sigma} - \Delta x_{ox}}{2,31g \frac{\Delta x_{\sigma}}{\Delta x_{ox}}} \quad \text{ёки} \quad \Delta P_{sp} = \frac{\Delta P_{\sigma} - \Delta P_{ox}}{2,31g \frac{\Delta P_{\sigma}}{\Delta P_{ox}}}$$

бу ерда Δx_g — $(x_{myi} - x_{ox})$ ~ куритиш жараёнидаги туйинган ҳаво нам саклаши ва ишчи нам сакдашларнинг бошланғич фарқи, кг/кг курук ҳаво;
 Δx_{ox} - $(x_{myi} - x_{ox})$ жараён охиридаги нам сакдашлар фарқи, кг/кг курук ҳаво;
 $\Delta P_{\sigma} = (P_{myi} - P_{ox})$ куритиш жараёнидаги туйинган ҳаво парциал босими ва ишчи парциал босимларнинг фарқи; $\Delta P_{ox} = (P_{myi} - P_{ox})$ ~ жараён охиридаги парциал босимлар фарқи.

Куритиш жараёнининг биринчи даври учун кинетик қонун масса исриш тенгламаси билан ифодаланиши мумкин:

$$W = \beta_x F (x_{muy} - x) \cdot \tau; \quad W = \beta_p F (p_{muy} - p) \cdot \tau$$

бу ерда W - буглатилган суюклик микдори, кг; F - фазалар узаро таъсир юзаси, м²; x_{muy} - материал ташки юза температурасидаги туйинган хаво нам сакдаши, кг/кг курук хаво; x хавонинг х.акикий нам саклаши, кг/кг курук хаво; p_p - масса бериш коэффициента, кг/(м²соат Па); p_{muy} - матери&т юзаси атрофидаги туйинган х;аво сув бутларининг босими, Па; p - ^аводаги сув бугининг парциал босими, Па.

Куритиш жараёнининг биринчи даврида масса бериш коэффициентини хисоблаш учун куйидаги тахминий формуладан фойдаланиш мумкин:

бу ерда $Cu = (T_c - T_m)/T_m$ - Гухман критерийси; T_c - мухит температураси, К; T_m - материал ташки юзасининг температураси, К.

Формулалаги константа A па даража курсаткичи α Рейнольде критерийсига боглик,, яъни Nu , Re ва Pr критерийларидаги параметрлар газ октшининг уртача температурасида хисобланади.

Куритиш жараёни иккинчи даврининг давомийлигини хисоблаш учун Шервуд - Ликов та\миний усулидан фойдаланса булади. Лекин, куритиш тезлигининг эфти чизиги туфти чизик. тенгламаси билан ифодаланиш шарти бажарилиши зарур. Иккинчи давр учун кинетик қонун ушбу курунишга эга:

$$-\frac{dW}{F d\tau} = K(x - x_m)$$

бу ерда K - куритиш тезлиги коэффициента; x - материалнинг шу ондаги намлиги, кг/кг курук хаво; x_m - материалнинг мувозанат намлиги, кг/кг курук хаво.

Лекин, куритиш тезлигининг $X_{кр}$, ва $x_{ох}$ ораликдаги узгариши туфи чизикли к.онунга буисинмайди. Шунинг учун, (5.217) тенглама 40...60% хатолик беради.

Моддий баланс тенгламасини ҳисобга олсак:

$$dW = Gdx = KF(x - x_{\text{н}}) \cdot d\tau$$

бу ерда G - куритилаётган материал массаси, кг.

Математик узгартиришлардан сунг ушбу курунишга эришамиз:

$$2,3 \lg \frac{x_{кр} - x_{\text{н}}}{x_{ох} - x_{\text{н}}} = \frac{KF}{G} \tau$$

охирги тенгламадан иккинчи даврда! и ку'ришш жараёни давимийлигини аниқдаш мумкин;

охирги тенгламадан иккинчи даврда! и ку'ришш жараёни давимийлигини аниқдаш мумкин;

$$\tau_2 = \frac{G}{KF} 2,3 \lg \frac{x_{кр} - x_{\text{н}}}{x_{ох} - x_{\text{н}}} \quad ">10\text{л}$$

Агар куритиш жараёни уалуксиз булса, биринчи ва иккинчи даврларни утказиш учун зарур булган фазалар тукнашиш юзасини ушбу тенгламадан то-памиз:

$$F_{\text{т}} = F_1 + F_2 \quad (5.220)$$

бу ерда F_j - биринчи даврдаги газ ва материаллар узаро таъсир юзаси, м²; /]?

- иккинчи даврдаги фазалар тукнашиш юзаси, м².

W/т ни W_T оркали белгилаб, (5.213) ва (5.214) тенгламалардан F_j ни то-памиз:

$$F_1 = \frac{W_{\text{т}}}{\beta_F \cdot \Delta P_{\text{т}}} = \frac{W_T}{\beta_v \cdot \Delta x_{\text{т}}} \quad (5.221)$$

G/t ни G_r деб белгилаб, (5.219) тенгламадан ушбу куринишни оламиз:

$$F_{\gamma} = \frac{G_r}{K} 2,31g \frac{x_{K'} - x_u}{x_G - x_u} \quad (5.222)$$

Шундай килиб, куритиш жараёни тезлигини оширувчи омилларга куйидагилар киради:

- а) жараён температурасини кутариш;
- б) куритилаётган материал устидаги бушликда босимни пасайтириш;
- в) иссиқдик элткич нам саклашини камайтириш;
- г) материал устидаги иссиқдик элткич тезлигини ошириш;
- д) жараён давомида материални аралаштириш.


3.4. Конвейерли конвектив қуритиш қурилмасининг технологик имкониятлари тадқиқоти

3.4.1 Конвейерли конвектив қуритиш қурилмасининг техник характеристикаси

Қуритиш қурилмасининг тайёр махсулот бўйича унумдорлиги 2т/сут бўлса.

Қуритиш қурилмасига кираётган хаво харорати 70 С ва чиқишда 30-50 С.

Хом ашёнинг конвейерда бўлиш вақти 45 минутни ташкил қилади.



Расм 24. Конвектив қуритиш қурилмаси схемаси: 1 –занжирли узатгич кожухи; 2 –редуктор; 3 –муфта; 4 –двигатель; 5 –ғилдирак; 6 –транспортер лентаси (сеткали); 7 –бункер –дозатор; 8 –эргашувчан вал; 9 –пастки мўри; 10 –юқори мўри; 11 –таксимловчи вал.

• Қуритиш вақти (махсулот турига қараб), мин.	45-200*
• Қуввати,кВт	30
• Калорифер	15
• Гелиоколлектор	15
• Узунлиги, мм	5500
• Эни, мм	1140
• Баландлиги, мм	1600


Иссик хаво қуритиш камерасининг пастки қисмига гелиоколлектордан узатилса, камеранинг юкори қисмига электрокалорифердан берилади.

Гелиоколлекторнинг селектив юзаси 36кв.м

Электрокалорифернинг максимал қуввати 15кВт.

3.4.2. Конвейрли қуритгичнинг камерасида иссиқ хаво харакати схемаси.

Қуйида конвейрли конвектив қуритиш қурилмасининг иссиқ хаво - буғ аралашмасининг харакати схемаси берилган(Расм).



Расм 25. Конвектив қуритиш қурилмасида иссиқ хаво - буғ аралашмаси
харакати схемаси

- 1- Қурилманинг юқори қисмига калорифердан иссиқ хаво узатиш
- 2- юқори мўридан аралашманинг чиқиши.
- 3- қурилманинг пастки қисмига гелиоколлектрдан иссиқ хаво узатиш.
- 4- пастки мўридан аралашманинг чиқиши

3.4.3. Газ ва хаво аралашмаси сарфини аниқлаш.

Газ ва хаво аралашмаси сарфини аниқлаш учун уларнинг қуритиш камерасидан труба орқали чиқаётган оқими тезлигини ва намлигини улчаш

орқали аниқланади. Бунинг учун лаборатория асбобларидан, яъни косачали ёки қанотчалик анемометрлардан фойдаланиб улчанади. Газ оқимининг уртача тезлигини аниқлаш учун анемометрни(Расм) маълум вақт оралигида (масалан ҳар 15 минутда) ҳар хил нуқталарда ушлаб турилади. Ҳаво оқими



Расм 26. Косачали анемометр.

тезлигини улчашларнинг қанча давом этиши анемометр курсатгичларини боши ва охиридаги катталикларни эътиборга олиб аниқланади.

Анемометрнинг курсатгичларидан ва секундамер ёрдамида ҳаво оқими тезлигини аниқлаш қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$v_{\text{урт}} = \frac{d}{t} \cdot c \text{ м/сек}$$

бу ерда t – анемометрнинг ишлаш вақти, секундда;

$d - t$ вақтдаги анемометр курсаткичларининг фарқи;

c – кўпайтириш коэффициенти (анемометр паспорти буйича $\frac{d}{t}$ миқдorigа боғлиқ холда).

Статик босим узгариши ёрдамида ҳаво оқимининг тезлигини аниқлаш илгар ҳам урганилган (4, 12, 13). Трубопроводнинг кундаланг кесими орқали вақт бирлигида утаётган буг ва ҳаво аралашмаси миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$L = 3600 \gamma_{\text{см}} v F \text{ кг/сек}$$

бу ерда v – трубопроводдаги буг – ҳаво аралашмасининг тезлиги, м/сек;

F – трубопроводнинг кундаланг кесими юзаси, м².

$V = L v_0$ м³/с Формуласидан фойдаланиб газ буг сарфи L кг/сек аниқлаб V м³/сек ҳаво сарфи ҳажмини аниқлаш мумкин.

Номограмма (расм.) ёрдамида уртача динамик напор орқали газ –ҳаво аралашмаси сарфини аниқлаш мумкин. 1 кг намликни буглатиш учун иссиқлик ташувчи агент солиштирма сарфи қуйидагича аниқланади:

$$L = \frac{L_1}{w_{1-2}} \text{ кг/кг буглатилган намлик миқдори.}$$


1 кг буглатилган намликка совутиш учун ишлатиладиган ҳавонинг солиштирма сарфи

$$L_0 = \frac{L_0}{w_{2-3}} \text{ кг/кг буглатилган намлик}$$

бу ерда L_1 – иссиқлик ташувчи агент сарфи, кг/сек;

L_0 – совутиш учун ҳаво сарфи, кг/сек.

Динамик напор мм. сим. уст.



Хаво сарфи м³/соат

Расм.27 - Ўрта динамик напор бўйича буг- хово аралашмасининг сарфини аниқлаш номограммаси.

3 конвейерли конвектив қуритиш қурилмасида буг – хаво аралашмаси диаметри $d = 30$ см трубада $v_{урт} = 2,5$ м/сек тезлик билан чиқиб кетади.

$$L = 3600 \gamma_{см} v F$$

$$F = \frac{\pi d^2}{4} = \frac{3,14 \cdot 0,09}{4} \approx 0,071 \text{ м}^2$$

$$L = 3600 \cdot \gamma_{см} \cdot 2,5 \cdot 0,071 = 639 \cdot \gamma_{см}$$

$\gamma_{см}$ – буг – хаво аралашмасининг солиштирма оғирлиги.

$$\gamma_{\text{см}} = 0,289 \left(\frac{B}{273 + t} \right) \cdot \left(\frac{1000 + d}{622 + d} \right)$$

B – барометрик босим, мм. симоб устини;

d – буг – хаво аралашмасининг намлиги, г/кг;

t – аралашма харорати, °C.

745 мм. симоб устини барометрик босим остида буг – хаво аралмасидаги намлик миқдори 120 г/кг.

Бу холда

$$\gamma_{\text{см}} = \frac{1,254}{1 + \frac{t}{273}} = \frac{1,254}{1 + \frac{40}{273}} = 1,14 \text{ кг/м}^3$$

Демак,

$$L = 3600 \cdot 1,14 \cdot 2,5 \cdot 0,071 = 728,5 \text{ кг/соат хаво сарфи}$$

Агарда 1 кг буг – хаво аралашмаси таркибидаги намлик миқдорини жадвалдан аниқласак бир соатда хаво билан чиқиб кетаётган намлик миқдорини хисоблаб топамиз.

Психрометри номограмма (Расм) бўйича қуруқ термометрнинг харорати 70 C бўлганда, хўл термометрнинг харорати 50 C хаво – буг аралашмаси таркибидаги намлик миқдори, 72,5 г/кг бўлгани учун

Конвектив қуритиш қурилмасидаги буғлатилган намлик миқдори

$$728,5 \times 0,0725 = 52,8 \text{ кг намлик бир соатда буғланиб кетади.}$$

3.5. Қуритиш камерасидаги хавонинг харорати билан намлиги орасидаги боғлиқликни ўрганиш.

Хавонинг харорати ва намлиги иссиқлик ташувчи агентнинг асосий курсатгичларидир. Абсолют намлик деб сув бугининг 1 м^3 нам хаводаги оғирлигига айтилади. Хавонинг нисбий намлиги деб унинг абсолют намлигини бугнинг максимал оғирлигига нисбатига айтилади ва бунда хавонинг босими ва харорати доимийдир.

Одатда буг –хаво аралашмасининг намлиги номограмма (расм.) ёки психрометрик жадваллар (расм.) ёрдамида аниқланади. Бунинг учун қуриқ термометрнинг курсатгичлари ҳамда қуриқ ва хул термометрлар курсатгичларининг фарқини аниқлаш зарур. (Расм)


Ташқаридаги хавонинг харорати t_0^k, t_0^x ва қуритиш камерасидан чиқаётган буг-хаво аралашмасининг хароратини t_6^k, t_6^x улчашда психрометрик термометрлар шкаласи булими $0,2^\circ\text{C}$ дан юқори булмаган симобли термометрлардан фойдаланилади.

Махсулот ширин узум турпи (ШУТ) намлигин тажриба йўли билан кўйидаги услубда аниқланди.

Усул қуритилган ШУТ навескаларини қуритиш шкафида $105-110^\circ\text{C}$ хароратда ўзгармас оғирлигигача қуритишдан иборат.

.Аппаратура, материаллар ва реактивлар:

- * СНОЛ 35.35.35./3 типидagi электр қуритиш шкафи ёки шунга ўхшаш;
- * ГОСТ 24104 бўйича тортиш чегараси 500г бўлган 4-аниқлик синфли умумий фойдаланиладиган лаборатория тарозиси;
- * ГОСТ 25336 бўйича 2-230 эксикатори;
- * ГОСТ 450-77 бўйича хлорли кальций;
- * ГОСТ 9147-73 бўйича фарфорли ҳованча;
- * Алюминли бюкслари.



Расм 28. Хавонинг харакатсиз холидаги нисбий намлигини аниқлаш учун психометрик номограмма

Расм 29. Хавонинг ҳаракатда (5м/с) холидаги нисбий намлигини аниқлаш
учун психометрик номограмма

Тажриба синовларни ўтказиш.

Қуритилган ШУТни фарфорли хавончадв майдаланади. $\pm 0,01$ гача аниқликда тортилган 5 гр. гача массали майдаланган ўсимлик объект навескаларини, аввал тортилган, ўзгармас массагача етказилган бюксларга жойлаштиришади ва қопқоғи очик тарзда 3-4 соат давомида $105-110^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритиш шкафида қуритилади. Кейин узум турпли бюксларни шкафдан чиқаришади, қопқоқлари ёпилади, эксикаторда хона ҳароратигача совутилади ва тортилади. Икки охириги тортишлардаги массалар фарқи 1 мг дан кўп бўлмагунча, 30 дақиқадан қайта қуритилади. Ҳисоб учун охириги тортишнинг кўрсаткичлари олинади.

Натижаларни ишлаш.

Намлик миқдорини (X_1) % да формула бўйича ҳисобланади:

$$X_1 = \frac{(M - M_1) \times 100}{M},$$

Бунда, M – қуритиш шкафида қуритишдан олдинги ШУТ нинг массаси, гр.;

M_1 – қуритиш шкафида қуритишдан кейинги ШУТ нинг массаси, гр.


Синов натижасига икки параллель тавсифларнинг, улар орасидаги тафовут рухсат этилган 1% ошмаслиги керак, ўртача арифметик қиймати олинади.

Каттароқ тафовутда тавсифлар такрорланади.

Ҳисоблаш натижалари қуйидаги жадвалда (жадвал) келтирилган.

Жадвал 3 . Вақт бирлигида маҳсулот намлигини ўзгариши

Қуритиш жараёни вақти T , мин.	0	5	15	25	35	45
Маҳсулотнинг намлиги W , %	50	43	30	23	15	10



Расм 30. Вақт бирлигида махсулот намлигини ўзгариши

1-намликни назарий ўзгариши

2-намликни амалда ўзгариши

Расмда кўрсатилгандек махсулотнинг намлиги назария бўйича бир текисда ўзгариши керак. Амалиёт шуни кўрсатдики буғланиш дастлаб тез суьратларда ва охириги 20% дан 10% гача пасйиши жараёни эса секин кечади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертацияси ИКБ 10-13 инновацион лойиҳа доирасида бажарилган ишларнинг давоми бўлиб, диссертациясининг мавзуси республикамиз учун дозарб мавзу – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини гелиоқурилмада қуришиб қайта ишлашга ва электр энергиясидан фойдаланиш усуллари ва қурилмаларига бағишланган.

Қуришиб жараёнидаги кинетик ўзгаришлар назарий ва амалий асосда тадқиқот қилинди ва унинг натижалари график ва жадваллар кўринишида берилди. Диссертациянинг биринчи қисмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турли қуришиб усуллари ва қуришиб қурилмаларининг тахлили берилган. Иккинчи қисми конвейерли гелиоконвектив қуришиб усули ва қурилма ҳақида маълумотлар берилган. Диссертацида қуришиб жараёнида ҳаво таркибидаги ва ҳом ашё намлигининг ўзгаришлари назарий ва тажрибалар ёрдамида ўрганилган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг гелиоконвектив қуришиб қурилмасининг технологик кўрсаткичлари асосланган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қуришиб камерасини икки зонага ажратиб, ҳар бирига алоҳида иссиқ ҳаво берилиши ва буғ – ҳаво аралашмасини алоҳида чиқариш қурилманинг унумдорлигини оширади. Қуришиб жараёнида камеранинг пастки зонасига гелиоколлектордан иссиқ ҳаво берилиши электр энергия сарфини камайтириб, ўз навбатида қурилган маҳсулотнинг таннархини камайтиришга олиб келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуришибда ва вино заводларининг узум сиқма чиқиндиларини қуришибда конвейерли гелиоконвектив қуришиб қурилмасидан фойдаланиш амалий ва иқтисодий нуқтаи назардан яхши самара беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Высококвалифицированные специалисты стимул прогресса: Речь на открытии Академии госуд. и общ. стр-ва. 3 окт. 1995 г. Т., «Узбекистон», 1995, 32с.
2. Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. Ташкент, 2000.
3. Закон Республики Узбекистан по подготовке кадров. Ташкент, 1997.
4. [lntp uzsci.net](http://uzsci.net) [www fti fan uz](http://www.fti.fan.uz)
5. 17.02.2012й “Uzbekiston Today” хафталик газетаси
6. Кац З.А. Производство сушеных овощей, картофеля и фруктов. - М.: Легкая и пищевая промышленность, 1984. - 21 с.
7. Таиров З. К повышению эффективности использования солнечной энергии для сушки плодов винограда // Гелиотехника. -1983. №5.-с.69-72.
8. Умаров Г.Я., Тюрин Ю.Г., Умаров Г.Г. Разработка гелиосушительных комплексов для плодовоовощных культур // Механизация и электрификация сельского хозяйства. 1986. - с.9-11.
9. Хусаинов У.М. Сушка плодов винограда с использованием аккумуляирования солнечной энергии. - М.: Легкая промышленность.- 1983. -41с.
10. Умаров Г.Я. и др. Использование низкопотенциальных солнечных установок. - Ташкент.-1976. -52с.
11. Воронова А.О. Сушка плодов и овощей. М.: Пищевая промышленность, 1978. -204с.
12. Силич А.А., Зозулевич Б.В., Поповский В.Г. Сушка плодов винограда в туннельных сушилках. - М.: Легкая и пищевая промышленность. -1982. - с.80.
13. Силич А.А., Поповский В.Г. Опыт применения туннельных сушилок в Молдавии. Кишинев: ИЭИНТИ. - Экспресс информация. - 1969. -54с.

14. Ачилов Б.М., Назаров М.Р. Результаты исследования сушки фруктов с помощью гелио-сушильной установки карусельного типа. Гелиотехника, 1988. -№3.-с.67-69.
15. Гинзбург А.С. Основы теории и техники сушки пищевых продуктов. - М.: Пищевая промышленность, 1973.-528 с.
16. Юнусов Б.Ю. ЮнусоваТ.К. Гелиоконвективная сушка сельхозпродуктов
17. Современные проблемы энергетики Межд. Конфер-я , Ташкент 2011
18. Юнусов Б.Ю. ,Тулаев Б. Универсальная гелиоустановка для отопления горячего водоснабжения жилищ. Современные проблемы энергетики Межд. Конфер-я , Ташкент 2011.
19. Жалилов А.Қ., Юнусов Б.Ю. Гелиокуритгичдаги газ ва ҳаво аралашмаси сарфини аниқлаш. 3 бет. «Фан ва техника тараққиётида ёшларнинг ўрни». Республика илмий-амалий анжумани. Т.: ТошДТУ. 14-19 апрель 2012-йил.